

2022 йил, 01 дега бир

Үртачирчик тумани

Тошкент вилояти Үртачирчик туман ҳокимлиги (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида харакат қилувчи директор И.Касимов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "GREEN CITY SERVIS" МЧЖ қурилиш ва таъмирлаш корхонаси номидан Низом асосида харакат қилувчи директор Ш.Сайдов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қўйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар кўлланилади:

**«ижро ҳужжатлари»:** — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар:

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтингчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома объектини умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Тошкент вилояти Үртачирчик тумани аёллар дафтарига киритилган хонадонларни жорий таъмирлаш» обьекти ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазур шартнома танлов комиссиясининг 2022 йил 28 ноябрдаги 193572-сонли лот бўйича электрон баёнига билан "GREEN CITY SERVIS" МЧЖ биринтирилиб, мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ККС сеф билан ~~Чулоуссан етпеллерессан етепроф~~ сўмни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1 Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартномада ҳамда унга 1-сонли иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот (объект) нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш.

4.2 Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни далолатномалар асосида топшириш;

4.3 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омб ва сақлаш;

4.4 Қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуриш;



4.5 Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;

4.6 Курилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

4.7 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, курилиш буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

4.8 Курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

4.9 Курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан танишириш, таъминлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.9.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан (*курилиш ишларининг 50% дан кўп бўлмаган*) бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар хисобланади.

4.9.2 Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки курилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугалланунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.2 Курилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3 Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

5.4 Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага 2-сонли иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.6. Пудратчига шартномада келишилган тўловларни объектни молиялаштирилиш бўйича Манзилли рўйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан кейин амалга оширади.

#### VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1 Шартнома миллий валюта (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, бироқ кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага 1-сонли илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ, Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки курилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда курилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.3. Электрон танлов натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиши курилиш ишлари бошланган кундан эътиборан 25 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг

30 % миқдорида аванс ўтказади, бу жами

*Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.*

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

**7.3.** Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 95% доирасида амалга оширилади, бу Узбек республикаси ўзларнига белгиланган ташкил этиди.

**7.4.** Объектнинг шартномавий жорий кийматнинг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўргасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш туталлангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул килингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати ўтганидан сўнг йил якунига кадар ишлар кийматнинг 5% гача микдорида амалга оширилади.

**7.5.** Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

**7.6.** Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган маъбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор килиш хукукига эга. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш.**

**8.1.** Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини - Техник аудиторини тайинлади, техник аудитор Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

**8.2.** Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

**8.3.** Пудратчи Техник аудиторни ишлари учун жой билан тъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

**8.4.** Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

**8.5.** Пудратчи объектда курилиш ишларни олиб бориши тартибини Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.

**8.6.** Курилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини тъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

**8.7.** Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни топширади.

**8.8.** Буюртмачи қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

**8.9.** Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавобгар хисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан амалга оширади.

**8.9.1.** Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар туталлангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

**8.9.2.** Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

**8.9.3.** Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.9.4. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар таъбер бўлишига караб уларни қабул қилишини бошлинидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишида Ҷавлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласи.

8.9.5. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг таъберлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мазкур конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишида Ҷавлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.9.6. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажарниш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги босқич бошқа ишларни бажарнишга киришади.

8.9.7. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисига бажарилган бўлса ёки у бу ҳакида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталған кисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиiddий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майдо четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.9.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига қоплади.

8.9.9. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.1.0. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажарниш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятта эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан бояглик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни туталлашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### X. Ишларни қўриқлаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

10.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар қўрилишини мухокама қиласидар.

10.3. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бирин шартномани бир томонлама бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш тартиби.

11.1. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишининг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнода қабул килиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар.

### Пудратчи:

12.1 Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

12.2 Лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

12.3 Пудратчи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4 Ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

12.5 Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати жорий йилнинг декабр ой этиб белгиланади.

12.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукукига эга.

12.8. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, уларни текшириб чиқиши қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг улбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш.

### Буюртмачи:

13.1 Мазкур шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

13.2 Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кечикирилган ҳолларда;

13.3 Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

13.4 Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

### Пудратчи:

13.5 Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;

13.6 Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.7. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдиндан ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома тарафларнинг бирортасини айби билан бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10 Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

14.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортиган ишлар суммасининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномада белгиланган жами муддатнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёллари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни ҳам қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек, етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо конун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар.

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шакид расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳакикий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янг мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномаг қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонид ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлиdir.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги қонуқ хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, бирок, ушбу обьектнинг молиялаштирилиши бўйича Буюртмачининг мажбурияти Манзилли руйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

16.9. Шартноманинг амал килиш мурддати 2022 йил 31 декабргача.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

Буюртмачи:

Пудрат ташкилот:

Тошкент вилояти Ўртачирчик туман  
ҳокимлиги

Тошкент вил. Ўртачирчик туман  
Уйғур МФЙ Ёшлик кўчаси  
л/с 2340 2000 3001 0000 1010  
Тошкент шаҳар Марказий банк ББХКМ  
МФО: 00014, ИНН: 200582649  
Тел: 99 487-15-51  
305122860272537109602018001  
200582649 00014

Рахбар  И. Касимов

Юрист  С. Гуломов б

“GREEN CITY SERVIS” МЧЖ

Тошкент вилояти Янгиюл шаҳри  
Райхон кўчаси 19  
АТБ “Кишлоккурилишбанк”  
Янгийўл филиали  
Р/С 20208000900841544001  
МФО 01037 ИНН 305296704

Директор  III. Сандов  
GREEN  
CITY  
SERVIS



**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
GUVOHNOMA**

**Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga**

**"GREEN CITY SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"GREEN CITY SERVIS" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

**Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)**

**10.02.2018**

**575668**

**ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.**

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

**Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):**

**305296704**

**Tashkiliy-huquqiy  
shakli:**

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

**Joylashgan joyi:**

**Toshkent viloyati, Yangiyo'l shahri, RAYHON, 19,**

**Guvohnoma:**

**Toshkent viloyati, Yangiyo'l shahri, YAGONA DARCHA  
MARKAZI**

**tomonidan  
berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI

SAIDOV

ISM

SHUXRAT

OTASINING ISM

TURSUNBAYEVICH

TUG'ILGAN SANASI

23 09 1982

MILLATI

O'ZBEK

KM TOMONIDAN BERILGAN

TOSHKENT VILOYATI CHINOZ  
TUMANI IIB

JINSI

ERKAK

TUG'ILGAN JOYI

CHINOZ TUMANI

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT

PASSPORT

TURI / TYPE

P

DAVLAT KODI / COUNTRY CODE

UZB

PASPORT RAQAMI / PASSPORT No.

AA5463693

FAMILIYASI / SURNAME

SAIDOV

ISM / GIVEN NAMES

SHUKHRAT

FUQAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH

23 09 1982

JINSI / SEX

M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH

TASHKENT REGION

UZB

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE

22 05 2014

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY

21 05 2024

PERSONALLAŞTIRISH ORGANI / AUTHORITY

STATE PERSONALIZATION  
CENTRE

P&lt;UZBSAIDOV&lt;&lt;SHUKHRAT&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;&lt;

AA54636936UZB8209234M24052183230982059001468

YASHASH JOYI / ADDRESS



18.01.2020

YASHASH JOYI / ADDRESS

18.01.2020

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 193572 на  
приобретение ayollar daftari**

**Способ проведения электронный**

**Дата 28.11.2022**

**Время рассмотрения 28.11.2022 15:16**

**Закупочная комиссия Уртачирчик туман хокимлиги (Аёллар), (Далее – Комиссия) в составе:**

<b>Председатель комиссии</b>	AVAZOV ABDUGANI ABDUSATTOROVICH	Курилиш буйича хоким уринбосари	аёллар дафтари
<b>Секретарь комиссии</b>	DADAMATOV FARXOD ILXOMJONOVICH	курилиш буйича бош мутахассис	аёллар дафтари
<b>Член комиссии</b>	XASANBAYEV BEKZOD BAXROM UG'LI	бош мутахассис	аёллар дафтари
<b>Член комиссии</b>	XONTURAYEV ANVAR BAXTIYOROVICH	ljr bv ehby.jcfhb	Аёллар дафтари
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV BOBUR BOTIR O'G'LII	бош мутахассис	аёллар дафтари
<b>Член комиссии</b>	QO'ZIYEV SHAXZOD MUXAMADJON O'G'LII	кадрлар булим мутахассис	аёллар дафтари

**Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.11.2022 года № лота 193572.**

**Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)**

**Мин. балл: 25**

**Предмет закупки:**

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту зданий</b>
<b>Подробное описание</b>	текущий ремонт домов для женщин, включенных в женский книг в Урта Чирчикском районе Ташкентской области
<b>Количество товара</b>	43.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	9 000 000.00
<b>Стартовая сумма</b>	387 000 000.00
<b>Валюта</b>	UZS

**По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:**

**Критерий №1 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1ва3-шакл**

**Тип: Текстовое значение**

**Описание: I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1ва3-шакл**

**Обязательность: Критично**

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
UCHQUN BUILD BUSINESS MCHJ	25	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	talabga mos xuijjat ilova qilinmagan
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО GREEN CITY SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Критерий №2 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 4-шакллар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
UCHQUN BUILD BUSINESS MCHJ	25	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	talabga mos xuijjat ilova qilinmagan
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО GREEN CITY SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Критерий №3 . Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойихани ўрганганилиги тўғрисида маълумотнома,

Тип: Текстовое значение

Описание: . Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойихани ўрганганилиги тўғрисида маълумотнома,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
UCHQUN BUILD BUSINESS MCHJ	25	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	talabga mos xuijjat ilova qilinmagan
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО GREEN CITY SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Критерий №4 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
UCHQUN BUILD BUSINESS MCHJ	25	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	talabga mos xujjat ilova qilinmagan
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	25	25	15	Экспертная		
ООО GREEN CITY SERVIS	25	25	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО GREEN CITY SERVIS	387 000 000.00	383 990 000.00 UZS	383 990 000.00	00.00	383 990 000.00	25.11.2022 11:36:01	15
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	387 000 000.00	384 850 000.00 UZS	384 850 000.00	00.00	384 850 000.00	25.11.2022 10:46:45	14.96648

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО GREEN CITY SERVIS	68	15	83
KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ	51	14.96648	65.96648
UCHQUN BUILD BUSINESS MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 193572 от 28.11.2022 года на приобретение ayollar daftari определила победителем:

ООО GREEN CITY SERVIS  
305296704

и резервный исполнитель: KAMRONBEK-OYBEK BUNYODKOR SERVIS MCHJ (306325247)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	AVAZOV ABDUGANI ABDUSATTOROVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANBAYEV BEKZOD BAXROM UG'LI	Согласен	
Член комиссии	XONTURAYEV ANVAR BAXTIYOROVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV BOBUR BOTIR O'G'LII	Согласен	
Член комиссии	QO'ZIYEV SHAXZOD MUXAMADJON O'G'LII	Согласен	